O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
28 MAY
SESHANBA
№ 66 (26.925)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ҲУРМАТЛИ ҲОФИЗ ОЛЛОНАЗАРОВ!

Сизга халқимиз маънавий меросининг бекиёс намунаси бўлмиш қадимий нота ёзуви — «Танбур чизиғи» қўлёзмасини тақдим этганингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Мана шундай бебаҳо асарни кўп йиллар давомида кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келгани учун Сизнинг ота-боболарингизга, оила аъзоларингизга мамлакатимиз мусиқа жамоатчилиги номидан, ўз номимдан ташаккур айтиш ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман. Бу, ўз навбатида, аждодларимизнинг маърифатни, санъат ва маданиятни нечоғли юксак қадрлаганидан, доимо эзгуликка интилиб яшаганидан далолат беради.

Бой ва бетакрор мусиқа санъатимиз тарихининг ёдгорлиги бўлган бу нодир қўлёзма Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа музейида сақланишини маъқул деб биламан. Бу ноёб асар миллий мусиқамиз асосларини ўрганишда муҳим қўлланма, айни пайтда мумтоз ўзбек санъатининг барча ихлосмандлари учун фахр-ифтихор манбаи бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Сизга яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этар эканман, хонадонингизга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилайман.

Доимо соғ-саломат бўлинг.

Эҳтиром билан,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«УНИВЕРСИАДА — 2002» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Сизларнинг барчангизни қадимий Бухоро шаҳрида бунёд этилган мана шу замонавий ва муҳташам спорт мажмуида Ўзбекистон талаба ёшларининг «Универсиада — 2002» мусобақаларининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу универсиада наинки унинг қатнашчилари, балки бутун халқимиз, авваламбор, ёшларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган муҳим бир воқеадир.

Бугунги кунда Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, фаровон ҳаётга эришиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларга етиш йўлида биз таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш ёшларимизга беқиёс орзу-умидлар билан қараймиз.

Биз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа — нафақат маънавий етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш — бу бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмас ягона мақсад бўлиши даркор.

Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.

Шу маънода, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичдан иборат яхлит тизимнинг амалга оширилиши ана шу йўлда қилаётган салмоқли ишларимизнинг яққол намоёни, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу тизимнинг юқори босқичи бўлган универсиада, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос спорт олимпиадасидир.

Мана шу унутилмас дақиқаларда сиз — бутун борлиғидан куч-ғайрат ёғилиб турган соғлом ва навқирон ёшларимизнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, ушбу муаззам, замонавий стадионда сизларнинг минг-минглаб тенгдошларингизни, сизларга катта ҳавас ва умид билан қараётган барча ўғил-қизларимизни кўргандек бўламан ва бундан кўпчилик қатори менинг ҳам юрагим кувонч ва ғурурга тўлишини изҳор этмоқчиман.

Эртанги умидимиз, ифтихоримиз бўлган сиз каби ёшларни вояга етказган ота-оналарингизга, ҳаётга йўлланма бераётган устоз-мураббийларингизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ва сизларга қарата яна шуни айтмоқчиманки, бугун ҳаётга қадам қўяр экансиз, белни қаттиқ боғлаб, кураш майдонига чиқаётган экансиз, олдингизга қўйган марраларингиз доимо баланд ва юксак бўлсин, иродангиз бақувват, ишончингиз мустаҳкам бўлсин.

Шуни унутмангки, сизларнинг ортингизда ҳар қарич тупроғи мўътабар Ватанингиз, бағрикенг, матонат ва қудрат соҳиби бўлмиш халқингиз бор.

Азиз фарзандларим!

Ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами — универсиада мусобақалари юксак сафарбарлик, соғлом рақобат, ҳалол курашчанлик руҳида ўтади, деб ишонаман.

Умид қиламанки, бу мусобақалар келажакда ўзбек спортчиларининг жаҳон олимпиадаси шоҳсупаларига кўтарилиши учун бамисоли зинапоя бўлиб хизмат қилади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига баланд руҳ, азму шижоат, қатъиятлик, шу билан бирга, бағрикенглик ва мардлик, ҳақиқий спортчиларга хос хусусият ва фазилатлар доимо ёр бўлишини истаб қоламан.

Сизларга сиҳат-саломатлик, ҳаётдан кутаётган барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Мустабид тузум миллат кўксидаги озодлик туйғусини ўчириш, миллатни мутеликка, қулликка ўргатиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди, бу йўлда ҳеч қандай жоҳиллик ва тубанликдан қайтмади. Ҳуррият деганлар отилди. Сўйилди. Сургун қилинди. Лекин, озодлик туйғуси авлодлар юрагида, уларнинг ёвқур кўзларида абадий яшайверди.

1937-1953 йилларда Ўзбекистон бўйича 100 минг киши қатағонга учраб, 13 мингги отиб ташланди. Бу рақамлар ортида миллионлаб бахтсиз инсонлар тақдири ётибди. Уларнинг номи йиллар давомида топталиб келди. Фақат истиқлол туфайли, Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан шаҳид кетган боболаримиз номи тикланди. Қатағон қурбонларига, миннатдор авлодларнинг эҳтироми сифатида, 2000 йил 12 май куни, қадимий Бўзсув соҳилида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. 2001 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгиланди. Ушбу Фармонда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш ҳақида ҳам айтилган эди.



Бугун Бўзсув соҳилида ана шу музей барпо этилмоқда. Бу савобли ишни 12-трестнинг 50-қурилиш бошқармаси бинокорлари амалга оширмоқда. Биз қурилиш майдонида бўлиб, бу ердаги ишлар билан танишдик. Ким билан суҳбатлашмайлик, бу музей қурилишига ҳисса қўшаётганидан фахрланиб гапиради.

Турсунбой АБДУЖАЛИЛОВ, иш бошқарувчи:

— Музейнинг ташқи қисми қуриб битказилди. Иншоот 400 квадрат метр майдонга жойлашган. Асосий ишлар февраль ойида бошланди. Бу ерда юзга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда. Бинонинг тепа қисмида диаметри 12 метрли гумбаз бўлади. Унинг ичи ганж билан безатилади. Музей ходимларининг иш хоналари ва экспонатларни сақлаш бўлмалари бинонинг пастки қисмига жойлаштирилган.

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ устаси:

— Музейнинг тўрт томони шарқона айвон бўлади. Ундаги 28 устуннинг 12 тасини самарқандликлар, 16 тасини қўқонлик усталар тайёрлашмоқда. Бундан ташқари музейдаги 6 та эшик ҳам ўймакорлик нақшлари билан безатилади. Тўрт томондаги айвонлар бир-биридан фарқ қилади, барчаси янгича усулда бўлади.

Бизнинг ҳунаримиз истиқлол туфайли қадр топди. Мен бундай айвонларни Имом ал-Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний мажмуаларида, Хотира майдонида қурганман. Энди, бир гапни очиқ айтишим керак. Шу пайтгача ҳеч ким қилмаган бу ишлар бошида Юртбошимиз турибди.

Менинг бобом Тошмат Полвон ҳам қатағон қурбони бўлган. 1939 йилда отиб ташланган. Отам Абдулла Тошматов бир умр отасини қумсаб ўтди. Тақдир тақозосини қарангки, бугун мен шаҳидлар учун қурилаётган музейда ёғоч ишлари бўйича бош устаман. Шунинг учун ҳам бу ишни ўзига хос масъулият билан бажараяпман.

Президентимиз «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган эдилар. Тарих — бу кечаги кун. Тарих — бу аждодларимиз ёди. Тарих — бу эртанги кунга ишонч. Бунёд этилаётган ушбу музей эса тарихдан ота-боболаримиз армонлари, қисматларидан сўзловчи, гувоҳлик берувчи букилмас, бузилмас хотирот манзилидир.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**



Суратларда: «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг умумий кўриниши; «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи қурилиши; музейнинг олд томондан кўриниши; бош уста Абдуғани Абдуллаев.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ДУРДОНА

Оҳангларни қоғозга туширишга илк бор бир неча асрлар аввал киришилган. Хоразмда оҳангларни қоғозга туширишборасида катта ишлар қилингани маълум. Муҳаммад Раҳимхон Феруз кўрсатмасига биноан Комил Хоразмий томонидан ихтиро қилинган нота ёзуви асосидаги «Танбур чизиғи» Хоразм уста созандалари иштирокида мусиқий ва шеърий матнлари ёзилиб, китоб ҳолига келтирилган.

Искандар Ёқуб ўғли Хоразмнинг машҳур ҳофизларидан бўлиши билан бирга миллий санъатимиз, маданиятимиз тарихига оид ноёб қўлёзмаларга, хусусан «Танбур чизиғи»нинг мукаммал ва антиқа намунасига эга эди. Йиллар ўтгач, ушбу бебаҳо асар аввал унинг фарзандлари — Жуманиёз ва Оминага, сўнг невараси Ҳофиз Оллоназаровга мерос бўлиб қолади.

Ҳофиз Оллоназаров хонадонида кўп йиллар мобайнида сақланиб келаётган маънавий хазинамизга оид «Танбур чизиғи» қадимий нота қўлёзмасини яқинда Президентимизга тақдим этди. Шу муносабат билан пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи ушбу ҳамюртимиз хонадонига бир гуруҳ жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жавоб мактуби ҳамда эсдалик совғаси Ҳ.Оллоназаровга топширилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу асарнинг нодирлиги шундаки, унда ҳозиргача санъатшунос ва мусиқашунослар учун номаълум бўлган тўқсон еттита мумтоз ашула мавжуд.

Ўзбекистон давлат консерваториясида ушбу нодир нота ёзувини мазкур олий ўқув даргоҳининг мусиқа музейига топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Юртбошимиз республикамизнинг мендек оддий бир фуқаросига эътибор бергани оила аъзоларимизни беҳад мамнун этди, — деди Ҳофиз Оллоназаров. — Хатимга жавоб мактуби йўллаганлари ҳар бир оддий ўзбекистонликка нисбатан Президентимиз эътиборининг ёрқин намунасидир.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

■ **Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

ЎТГАН ҲАФТАДА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ШОН-ШУҲРАТНИНГ ҚЎШ МАШЪАЛАСИ

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир ҳафта мустақил мамлакатимизнинг янги тарихини, зарҳал ҳарфлар билан битилса арзигудек воқеа-ҳодисалар билан безаётир. Сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлар шу қадар кўпки, ҳаммасини бирваракайига санаб чиқишга, гоҳида қалам ожизлик қилади.

Хусусан, ўтган ҳафтадаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Япония Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Таро Асо ҳамда парламент депутати Нарияка Накаяма билан учрашуви, Тошкентдаги «Шодлик Палас» меҳмонхонасида гибрид қўёш-шамол тизимларини самарали қўллашга, «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ер қобиғида нефть-газ шаклланиши ва нефть-газ тўпланишининг геодинамик ҳолатига бағишланган халқаро илмий-техник анжуманлар ҳамда «Нефть ва газ — OGU — 2002», «Экспо Италия-2002» кўргазмаларининг очилиши дунё мамлакатлари билан тобора ривожланаётган ҳамкорликнинг ёрқин кўриниши бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ХОТИРА — МУҚАДДАС БУРЧ

Шу кунларда мамлакатимизда Япония жамоатчилиги вакилларидан иборат дўстлик миссияси аъзолари меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонларнинг ташрифи 25 май куни, Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида Иккинчи жаҳон уруши даврида мамлакатимизга ҳарбий асир сифатида келтирилган япон фуқаролари хотирасига бағишлаб ўрнатилган рамзий ёдгорликнинг очилиш маросими билан бошланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатимизга бир неча мингдан зиёд япон фуқароси келган эди. Шуларнинг саккиз юздан ортиғи Ўзбекистон заминида мангу осойиш топган.

Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар фақат иқтисодий-сиёсий жабҳа билан чекланмаётгани, халқларимиз маданият ва инсонпарварлик соҳаларида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов, Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним ва бошқалар сўзга чиқиб, бундай тадбирлар ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Шу куни Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ҳам Япония фуқаролари хотирасига рамзий ёдгорлик очилди. Шу муносабат билан ўтказилган митингда Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов сўзга чиқиб, ушбу ёдгорлик айни пайтда икки халқ ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг ҳам белгиси эканлигини таъкидлади.

1945-47 йиллари Бекобод шаҳрига олти мингдан зиёд японияслик келтирилган эди. Уларнинг аксарияти шаҳарсозлик ва саноат корхоналарини ишга туширилишида фаол иштирок этган. Ўша йиллари Бекобод шаҳрида меҳнат қилган японияликларнинг 146 нафари шу ерда вафот этган.

Хотира ёдгорлигининг очилиш маросимида иштирок этганлар орасида суронли йилларда Ўзбекистонга келтирилганлар ҳам бор. Шулардан бири делегация аъзоси Като Кинтародир.

— Ўзбекистонга илгари ҳам бир неча марта келганман, — дейди у. — Бироқ мамлакатингиз мустақилликка эришгандан сўнггина биз ватанига қайтиб бора олмаган юртдошларимизнинг қабрларини бемалол зиёрат қилиш имкониятига эга бўлдик. Бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятидан жуда миннатдормиз.

— 1947 йили Бекободдаги гидроиншоот қурилишида иштирок этгандим, — дейди 75 ёшли банкир Акихиро Йошиширо. — Орадан шунча йил ўтса ҳам ўша пайтлардаги воқеалар хотирамда қайта жонланди. Чўлда кўркам шаҳарча бунёд бўлганидан яна ҳайратландим. Бу ерга кўмилган сафдошларимнинг қабрларини зиёрат қилиб, кўнглим таскин топди.

— Дадамиз Тоекума Азуманинг хоки 1948 йилнинг 12 майида Қўқондаги қабристонга қўйилган, — дейди Каважи Рейко хоним. — Мен у кишининг катта қизиман. Укам Азума Мицуаки билан бирга дадамнинг қабрини зиёрат қилгани келдик. Бундай имкониятлар яратиб берган мустақил Ўзбекистон ҳукуматига чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз.

Меҳмонлар Тошкент вилоятининг Ангрен, Янгийўл ва Бухоро вилоятининг Когон шаҳарларида ҳам ўз ватандошлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликларнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадим шаҳарларимизнинг зиёратида бўлди. Қорақалпоғистон Республикасидаги Тупроққалъа, Қизилқалъа ва Аёзқалъа обидаларини томоша қилди.

Меҳмонлар Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатларини кўздан кечирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган мазкур кошона меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Япония жамоатчилигининг дўстлик миссияси давом этмоқда.

■ **(ЎзА)**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

БОШ КОТИБ ТАШРИФ БУЮРАДИ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан 4 июнь куни расмий визит билан Россия Федерациясига ташриф буюради. Ташриф 6 июнгача давом этади. Россия Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот ва ахборот департаменти хабарига кўра, бу визит Россия раҳбарияти билан БМТ Бош котиби ўртасидаги амалий музокараларнинг давоми бўлиб, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда БМТнинг ролини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, долзарб халқаро муаммоларни ҳал этишда Россия ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада кенгайтиради.

СОБИҚ БОШ ВАЗИР ЯНА НОМЗОДИНИ ҚЎЙМОҚЧИ

Исроилнинг собиқ бош вазири, «Ликуд» партиясининг етакчиларидан бири Беньямин Нетаньяху 2003 йил ноябрь ойида бўладиган сайловларда яна ўз номзодини қўймоқчи. Бу сайловларда ютиб чиқиб, Исроил Бош вазири лавозимини эгаллаши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Бу ҳақда у Берлинга қилган амалий ташрифи чоғида баёнот берди, дея хабар тарқатади Reuters ахборот агентлиги.

ВАЗИР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Туркманистоннинг собиқ мудофаа вазири Курбандурди Бегенждев ўн йилга «озодликдан маҳрум» этилди. Бу ҳақда Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов Мари вилоятига ташрифи пайтида телевидение орқали маълум қилди. Президентнинг айтишича, бош вазирнинг собиқ ўринбосари, Мари вилояти раҳбари Омон Атаев ва республика озиқ-овқат саноати ассоциацияси бошлиғи Қақажон Овезовлар ҳам жиноий жавобгарликка тортилган. Улар жиноят кодексининг бир қанча моддалари билан ва шунингдек, порахўрликда айбланган. Туркманбошининг таъкидлашича, бу амалдорларнинг жиноятлари исботланган, улар ўз айбларига иқрор бўлишган.

«Биз шундай хулосага келдикки, — деди Президент, — уларни озодликдан бутунлай маҳрум этмаган ҳолда ўз айбларини ювиш учун имкон яратишга қарор қилдик». Шунинг учун ҳам бу амалдорлар республиканинг узоқ туманларидан бирида бошоқли дон экинлари етиштириш билан 10 йил шуғулланишади.

ЎТГАН ҲАФТАДА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ШОН-ШУҲРАТНИНГ ҚЎШ МАШЪАЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда, ўз моҳиятига кўра, маданий ва маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлган иккита анжуман ҳақида батафсил тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Неча минг йиллар давомида оғзаки ижоднинг бебаҳо дурдоналарини асраб, ардоқлаб, мазмунан бойитиб, бадиий жиҳатдан сайқал бериб, бугунги дориломон кунларга етказиб келган халқимизнинг истеъдоди ва салоҳиятини яна бир бор улуғлашга бағишланган «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фестивалининг ҳамда истиқлол йилларида ўсиб-улғайган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний баркамоллигини бутун жозибаси билан намойиш этаётган «Универсиада — 2002» спорт байрамининг нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлиги республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ушбу тантаналар иштирокчиларига йўллаган табрик мактубларида ўзининг теран ифодасини топди.

Дарҳақиқат, аждодларимиз неча минг йиллар давомида жилд-жилд китобларга жо бўладиган қўшиқларни, достонларни, рақсларни, замонлар синовидан ўтган, ўзаро меҳр-оқибатни ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришга, миллатлараро дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган ўлмас урф-одатларни бизга мерос қилиб қолдирганлар. Оддий ҳунармандчиликни ривожлантириб, жаҳон аҳлини ҳайратга соладиган санъат даражасига кўтарганлар.

Бугунги авлод санъат фидойилари даврларнинг бўрону бўҳронлари оша бизнинг кунимизгача етказиб келган ушбу бебаҳо маънавий хазинани янада бойитмоқда, унга янгича мазмун ва моҳият бахш этмоқда.

Шунинг учун ҳам жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — ЮНЕСКО ўзбек элининг бу борадаги талантига, миллий меросга бўлган ҳурмати ва садоқатига муносиб баҳо берди. «Инсониятнинг оғзаки ва маънавий мерос дурдоналари» сифатида эътироф этилган жаҳондаги ўн тўққизта манзилнинг бири сифатида Бойсун туманини рўйхатга киритди.

Зеро, Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор масканларидан бирида жойлашган Бойсун ўзининг ажойиб табиати билангина эмас, балки мамлакатимиз тарихи ва маданиятида тутган ўрни билан ҳам маълум ва машҳурдир. Бойсунликлар ўзларини элимиз фахриғурури бўлган афсонавий баҳодир — Алпомишнинг авлоди, деб биладилар. Ўзбекона ватанпарварлик, халқпарварлик намунасини кўрсатган Алпомиш ҳақидаги қаҳрамонлик достонининг минг йиллар оша тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб, маданиятимиз хазинасидан жой олишида ушбу заминда туғилиб, қўлига соз олган бахшиларнинг катта ҳиссаси бор. Бу туманда халқимизнинг қадимий урф-одатлари, мусиқаси, оғзаки ижоди, миллий либос ва ўйинлари, бир сўз билан айтганда, ҳаёт тарзи асл ҳолича сақлаб қолинган.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Бойсун элининг мафтункор санъати ҳам халқимиз яратган бениҳоя бой ва ранг-баранг миллий маданиятимизнинг ўзига хос бир кўринишидир».

Дарвоқе, зеҳн солиб қарасак, сал бошқачароқ шакл ва кўринишда миллий маданиятимизнинг анъаналари қадимий кўринишида сақланиб қолган масканлар юртимизда талайгина. Хоразм воҳаси ва Фарғона водийсининг, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах ва Навоий вилоятларининг олис қишлоқлари, туманлари бир-бирини такрорламайдиган, аксинча, тўлдирадиган халқ санъати намуналарини кўплаб топиш мумкин. Бу маънавий хазина, фақат ўзбек халқининг эмас, балки бутун инсониятнинг беназир бойлигидир. Бойсун фестивали мана шу бойликни халқаро миқёсда тарғиб этиш йўлидаги биринчи ва хайрли қадам бўлди.

«Бойсун баҳори» фестивалида Буюк Британия, Германия, Франция сингари кўплаб хорижий мамлакатлардан иштирок этган мусиқашунос, фольклоршунос ва тарихчилар ушбу анжуманнинг аҳамиятига юксак баҳо бердилар. Миллий қадриятларимизнинг кўпгина қирраларини ўзида мужассам этган, ёш авлодни ўз тарихига муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган маданий меросимизни юксак баҳолаб, уни чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини қайд этдилар.

Спорт байрамлари навқирон ва жўшқин ёшликнинг ўзига хос тантанаси, жисмоний ва маънавий камолотнинг намойиши сифатида бутун халқимизнинг кўзини қувонтирадиган, қалбини ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдирадиган тантанага айланиб бораётир. Бу гап шу кунларда Марказий Осиёдаги ягона, энг замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, ўзининг қиёфасида миллий меъморчилик анъаналарини намоён қилган муҳташам «Бухоро» стадионида ўтаётган республика талабаёшларининг «Универсиада-2002» спорт мусобақаларига ҳам бевосита дахлдордир.

Дарвоқе, спорт ва ёшлик байрами бўлмиш бу йилги Универсиада ўзининг учта қирраси билан аҳамиятлидир:

Биринчидан, ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб вояга етказишнинг изчил тизимига айланган оммавий спортни ривожлантиришнинг учинчи босқичи ҳисобланади. Агар «Умид ниҳоллари» мусобақалари мактаб ўқувчиларининг, «Баркамол авлод» ўйинлари академик лицей ва коллежлари талабаларининг нуфузли тантаналарига айланган бўлса, «Универсиада» олий ўқув юртлари талабаларининг спорт маҳоратини синовдан ўтказадиган анжумандир.

Иккинчидан, 2000 йилда Наманганда бўлиб ўтган биринчи Универсиадада 1717 нафар йигит-қизлар спортнинг 9 тури бўйича беллашган бўлса, бу йилги мусобақаларда 2848 нафар пешқадам талабалар 12 тур бўйича куч синашадилар.

Учинчидан, кўҳна ва навқирон Бухоро заминида 2003 йили Жанубий Кореянинг Дейгу шаҳрида бўлиб ўтадиган бутунжаҳон «Универсиада-2003» мусобақаларида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоалари учун номзодлар аниқлаб олинади.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг довруғини оламга таратишда, ўзбек халқининг шуҳратига шуҳрат қўшишда жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этаётган, ажойиб ғалабаларни қўлга киритаётган ёшларимизнинг ҳиссаси беқиёс экани ҳаммамизга яхши маълум. Мана шу шижоатнинг ва ғалабаларнинг узлуксиз бўлиши бугун вояга етаётган йигит-қизларимизнинг куч-ғайратига, матонатига ва маҳоратига боғлиқ. Чунки, жисмоний чиниқиб, беллашувларда тобланган, қалби она-Ватанига, халқига меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуси билан тўлиб тошган спортчиларгина ҳар қандай анжуманда ҳам ўз мамлакатининг байроғини баланд кўтаришга қодир бўладилар.

Талаба-ёшларнинг спорт анжуманини ўтказиш мамлакатимизда яхши анъанага айланиб қолгани бежиз эмас. Вужудидан куч-қувват ёғилиб турган инсоннинг қонида ва қалбида соғлом туйғулар, покиза орзулар жўш уради. Бундай киши ҳар қандай шароитда ҳам фидойилик ва жасорат намунасини кўрсата олади. Шу маънода, юртимизнинг спорт шарафини юксалтиришга бел боғлаган азамат ёшларнинг пешқадам вакиллари, олий ўқув юртлари талабалари ҳаётидаги яна бир катта байрамнинг маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида тилга олинган икки анжуман Ўзбекистоннинг довруғини, ўзбек халқининг шаънини юксалтиришга, шуҳратига шуҳрат қўшишга хизмат қиладиган қўш машъаладир.

■ **Бахтиёр РИЗО**

КЕЛИНГ, ХИЗМАТГА ШАЙМИЗ!

...Бугунги «Автотеххизмат» қандай бўлиши керак? — дея гап бошлади автомобилларга техник хизмат кўрсатиш маркази устаси Раҳмат Турсунов ва ўз саволига ўзи жавоб берди.

— У хорижий давлатлардаги андозалардан асло қолишмаслиги керак. Яқинда жамоамизда меҳнат қилаётган саккиз киши Жанубий Кореяда бўлиб, махсус тайёргарликдан ўтиб қайтди. Улар тажрибаси асосида мавжуд станциялар ишини яхшилаш билан бирга кўчма устаналар ташкил қилдик. Ҳа, Жиззах «Автотеххизмат» акциядорлик ҳудудий жамияти устаналарида харидорлар ва мижозлар учун зарур бўлган барча қулайликлар муҳайё: кутиш зали, ошхона, қаҳвахона, эҳтиёт қисмлар ўттизинчисига — телевизор, қирқинчисига — видеоиккилик... Келинг, харид қилинг! Эллигинчи харидормисиз? Автомашинангизга бир йил давомида бепул техник хизмат кўрсатилади. Ойига ўрта ҳисобда 18-20 тадан автомобиль сотаётган ва 360-400 та Асака автомобилига техник хизмат кўрсатаётган саксон кишилик жамоа орасида ўз касбининг моҳир усталари бор.

дўкони... «Тико», «Дамас», «Матиз», «Нексия» русумли автомобилларнинг қайси бирини харид қиласиз? Марҳамат, уларга қўшиб сизга гилам ҳам совға қилинади. Ҳар ўн харидордан бирига — мусиқали марказ, йигирманчисига — видеомагнитафон,

Суратларда: савдо бўлими бошлиғи Сарвар Норқулов «Дамас» сотиб олган харидорга автомобиль калити билан бирга гилам топшириятпи; эҳтиёт қисмлар дўкони сотувчиси Суннат Эргашев мижоз хизматида; уста Тоҳир Ёқубов иш устида.

✧✧✧

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

МУАММО

ТЕРМИТДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛИ БОРМИ?

ЁКИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ АЙРИМ ЖОЙЛАРИДА ПАЙДО БЎЛГАН ЗАРАРКУНАНДА ХУСУСИДА

Ҳозирча олимлар термитларнинг 2800 тури борлигини аниқлашган. Шундан 20 хили ҳақиқий зарар келтирувчи ҳисобланаркан. Ўрта Осиёда учрайдиган 4 хилини йўқотиш йўлида изланишлар олиб борилмоқда. Лекин уй-жойлар ёғочларини кемириб, иситиш қувурларига чанг солаётган термитларни бартараф қилиш жиддий масала бўлиб турибди.

— Шаҳарчамиздаги аксарият оилаларнинг уйларига термит зарар етказмоқда, — дейди Нукус яқинидаги Тошлоқ посёлкасида яшовчи пенсионер Юсуфбек Сайитназаров. — Ачинарли аҳволда қолдик. Уй шифтари, поллар чирс-чирс қилиб, тинчлик бермаяпти. Термитлар пайдо бўлганига 25 йилча бўлиб қолди. Бу борада бормаган, ёзмаган жойимиз қолмади...

— Термитга қарши курашиш бизнинг вазифамизга кирмайди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўсимлик зараркунандаларини, касалликларини аниқлаш ва биоуслуб қўллаш лабораторияси бошлиғи Ўринбой Абатов. — Лекин юзага келган аҳволдан хабардормиз. Қурилиш материалларидаги термитлар ўсимлик зараркунда-ларидан фарқланади. Ҳозирча уларга қарши мунтазам шуғулланувчи мутахассисларимиз бўлмаса-да, термит пайдо бўлаётган жойларга бориб, вазият билан танишаётирмиз. Аҳвол яхши эмас. Зеро, азият чекаётган фуқароларга ёрдам беришга ожизмиз. Боиси, термитга қарши қўлланилувчи «Толстар» деган дорининг тоннаси 36 миллион сўм туради. Ҳар квадрат метр жойга 1,5 литргача ана шундай дори сепиш керак.

Иккинчидан, фуқароларнинг ўзлари ҳам термит тўғрисида аниқ тушунчага эга эмас. Айрим кишилар термитдан зиён кўрган уйларини бузиб, устун ёки тахталарини янги уйларга ишлатишмоқда. Ваҳоланки, ўша ёғочларни ёқиш, йўқотиш шу ҳудудда уй қурмаслик талаб этилади...

Кўшкинбой Жиемуратов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг агросаноат комплекси Котибияти бошлиғи:

— Кейинги пайтларда республикамизнинг айрим туманлари ва Нукус шаҳри тевараги-даги истиқомат масканларида термитнинг кўпайиши, ундан кўрилаётган зарар муаммога айланган. Термитлар айниқса, Хўжайли, Тахтакўпир, Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманларида кўпаяётгани кузатилмоқда. Ҳозир етти туман ва Нукусдаги 2462 та турар жойнинг термитлардан зарарланганлиги маълум бўлиб, умумий майдони 738600 квадрат метрни ташкил этади.

Ташвишли аҳволни махсус комиссия томонидан ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига маълумот йўлланди. Хатда термитдан аҳоли кўраётган зарар, унинг олдини олиш учун маблағ талаб этилиши зарурлиги айтилди.

Мутахассислар таъкидлаганидек, иморат қуриладиган ерни дастлаб сувлаб, шиббалаш, ишлатиладиган ёғоч ашёлари смола ва бошқа кимёвий воситалар билан ишлов бериш зарурлигини кўпчилик билавермайди. Шунингдек, мазкур соҳа олимлари-ю тадқиқотчилар ҳам илмий изланиб, бундай зараркунанданинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга кирғин келтириш чоралари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтишса, айни муддао бўларди.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Ҳидоят АҲМЕДОВ «Аму тонгги» газетаси мухбири**

ҚАДИМИЙ АНЪАНАНИНГ ЯНГИ РИШТАЛАРИ

25 май куни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Испания тарихи ва тараққиёти, театри, адабиёти ва журналистикаси бўйича махсус курсларни тамомлаган бир гуруҳ ўқитувчи ва талабаларга сертификатлар топширилди. Университет ректори Файрат Шоумаров испан тилини ўргатишни жаҳон талаблари асосида ташкил қилишда катта ёрдам берган Испаниянинг Ўзбекистондаги бош консули, жаноб Педро Буркаев Сакадесга ҳамда курсни ташкил қилган Мадрид университетининг ўқитувчиси Беатриз Армада хонимга миннатдорлик билдирди.

Беатриз Армада хоним Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги маданий алоқалар қадим ўтмишга бориб тақалишини, жумладан, Ал-Хоразмийнинг алгебрага оид асарлари дастлаб испан ва лотин тилларига таржима қилинганини таъкидлади. Испанияда бугунги кунда ҳам юксак қадрланадиган «Темур элчихонасига ташриф» китоби буюк бобомиз Амир Темур ҳақида ва унинг салтанатини ўрганишда Европада муҳим манба ҳисобланар экан.

Тадбир сўнггида талабалар испан миллий урф-одатлари асосида тайёрлаган «Андалузиялик лўлилар», «Қулай пайт», «Грамматика нима дегани?» каби саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

■ **Юнус БЎРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТЕЖАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

ҲАР ТОМЧИ СУВ ҚАДРИ...

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА ЖАҲОН БАНКИ ТОМОНИДАН 31 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ. АММО ТЕЖАМКОРЛИК МАСАЛАСИДА ҲАМОН ОҚСОҚЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМОҚДА

Минтақамизга устма-уст келган қурғоқчилик республикамизда ичимлик суви масаласида қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Вазият сув заҳираларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш лозимлигини тақозо этмоқда. Бироқ бу масалага айрим фуқаролар, корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамон бефарқ қараяпти.

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисини 24 соат узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 340 минг куб метр сувга эҳтиёж бор. Бироқ имкониятлар етишмаслиги боис, истеъмолчиларга ҳозирча 300 минг куб метр сув етказиб берилмоқда.

Самарқандликларни тоза ичимлик суви билан таъминлашда тоғ олди булоқлари ва артезиан қудуқларидан ташқари, «Чўпон ота», «Даҳбед», «Чархин», «Кўрпа», «Муртак», «29-квартал», «Мўлён» сув иншоотлари мунтазам ишлаб туради. Лекин сув чиқариш иншоотлари ва қувурларининг эскирганлиги, аҳоли ўртасида исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани боис ичимлик сувининг узлуксиз таъминотида муаммолар юзага келмоқда. Вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси ва тизимдаги корхоналарда ҳукм сураётган масъулиятсизлик, сувдан фойдаланганлик учун истеъмолчилардан олинадиган тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги корхонанинг дебитор қарзлар қийматининг ошиб кетишига олиб келди. Ҳозир корхонанинг дебиторлик қарзи 806 миллион 694 минг сўмни ташкил этади.

— Ичимлик сувидан тежаб-тергаб фойдаланиш тартиби, айрим истеъмолчилар томонидан кўпол равишда бузилмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Шавкат Усмонов. —Темирйўл туманида ичимлик сувидан фойдаланишнинг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширувларда кўплаб фуқаролар томонидан содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланди. Улар ўз уйлари олдида ҳеч қандай рухсатсиз автомашиналар ювиш шаҳобчаларини очиб, ичимлик сувидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш оқибатида бирлашмамизга 1 миллион 700 минг сўмга яқин моддий зарар етказишган. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли идоралар томонидан олиб борилган ҳаракатлар натижасида фуқаролар етказган зарарлар ундирилиб, такроран ноқонуний исрофгарчиликларга йўл қўймасликлари учун ёзма равишда огоҳлантирилди...

Энди ҳақли бир савол туғилади: ичимлик суви хўжасизларча исроф қилинаётган экан, «Сувоқава» тизимидаги назоратчилар бундан бехабарми? Корхона иқтисодиётининг оғирлашуви, дебиторлик қарзларининг ўсиб кетиши сабаблари нимада?

Кейинги уч-тўрт йил ичида раҳбарларнинг тез-тез алмашинуви, кадрлар қўнимсизлиги корхона иқтисодий негизига салбий таъсир кўрсатди. Тўловлар вақтида олинмаслиги, ноқонуний исрофгарчиликларга йўл қўяётган фуқаролар, корхона ва ташкилотларга етарлича чора-тадбирлар кўрилмаганлиги, бир сўз билан айтганда, тизимда тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганлиги бугунги кунда қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Бошқарма ва унинг жойлардаги бўлимларига қарашли айрим ичимлик суви қурилмалари, иншоотлари санитария талабларига жавоб бермайди. Айниқса, Нарпай туманидаги «Ғалаба», «Зирабулоқ», «Иттифоқ» сув таъминлаш иншоотларида бу борада аҳвол ачинарли. Устига-устак, истеъмолчиларнинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини меъёрлаб турувчи ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари эътибордан четда қолмоқда. Вилоят бўйича 90 мингдан зиёд сув ўлчагичларга эҳтиёж бўлгани ҳолда 5000 та ҳисоблагичлар ўрнатилган, холос. Тўғри, ошиб кетган дебиторлик қарзларни ундириш масаласида прокуратура, суд идоралари билан самарали ишлар олиб борилмоқда. 19 миллион 712 минг сўм қарздорлиги бўлган 24 та ташкилот хўжалик судига берилди. Улардан ҳозиргача 5 млн. 449 минг сўм ундириб олинди... Бироқ, аҳвол ҳали кутилган даражада ўзгармаяпти.

Яқинда сув ҳисоблагичлар харид қилиш учун Тошкентдаги «Коммуналлизинг» ҳамда «Коммуналмашкомплект» ташкилотлари билан икки томонлама шартномалар имзоланди. Тоза сув исрофгарчилигига йўл қўяётган фуқаролар ва ташкилотларга қатъий чоралар кўрилмоқда. Масаланинг иккинчи томони шундаки, вилоят ҳудудидаги аксарият сув қувурлари, таъминот иншоотлари эскириб қолган, улар бундан 15-20 йил олдинги қувват даражасида сув узатиш имкониятига эга эмас. Тез орада Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар шаҳарчаси ва Каттақўрғон шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 57 миллион сўм, «Чўпон ота», «Даҳбед», «Чархин», «Кўрпа», «Муртак», «Мўлён» каби сув таъминоти иншоотларини таъмирлаш учун эса 3 миллион сўм маблағ ажратилди.

Жаҳон банки томонидан Самарқандда ичимлик сув таъминотини яхшилаш, ускуналарни алмаштириш ва таъмирлаш учун 31 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиши ҳам айни муддао бўлди.

Чет эллик ҳамкорлар томонидан бажарилиши мўлжалланган ушбу жараённинг лойиҳалари устида ҳозир иш олиб борилмоқда. Яқин кунларда амалий ишга киришадиган хорижлик мутахассислар 2006 йилга қадар шаҳардаги тоза ичимлик суви тармоқларини замон талаблари даражасида тўла таъмирдан чиқаришни режалаштиришган.

Режалар яхши. Бироқ, сувдан оқилона фойдаланиш, уни ҳудабеҳуда сарф қилмаслик одамларнинг ўзига боғлиқ. Сув яратганнинг илоҳий неъмати эканлиги, у хонадонларимиздаги жумракларга етиб келгунича кўп йўл босгани, меҳнат ва харажат сарфланганини англаб етсаккина ҳар томчи сув қадрли бўлади.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

XORIJDA

ТЎЙЛАРДА ОТИШМА МАРОСИМИ ТАҚИҚЛАНДИ

Афғонистоннинг Хост вилояти раҳбарияти янги тақиқлов эълон қилди. Унга кўра, эндиликда тўйларда милтиқлардан ҳавога ўқ отиш анъанавий маросими тақиқланди. Бундай анъана кўплаб пуштун қабилаларида ҳалиям амалда қўлланиларди. Яқинда АҚШ ҳарбий авиацияси томонидан Афғонистондаги тўйлардан бирининг бомбардировка қилиниши ушбу тақиқлов жорий этилишига сабаб бўлди. Ушанда тўйда анъанавий отишма маросими ўтказилаётганди. Бу отишмани АҚШ ҳарбий учувчилари толибонлар ҳужуми деб ўйлаб, бомбардимон қилишган.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ИЛК САФАРИ

Яқинда ўз мустақиллигини қўлга киритган ва янги давлат сифатида таркиб топган Шарқий Тиморнинг Президенти Шанан Гужмау ушбу ҳафтада ўзининг илк хорижий сафарини бошлайди.

Шарқий Тимор ҳукумати тарқатган манбалардан маълум бўлишича, Гужмау биринчи расмий визитини Индонезиядан бошламоқчи. У ерда мамлакат Президенти Мегавати Сукарнопутри билан учрашади ва ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама этишади.

Гужмауга Шарқий Тиморнинг ташқи ишлар вазири, халқаро Нобель мукофоти совриндори Жозе Рамуш Орта ҳамроҳлик қилади, дейилади CNN ахборотида.

ДАРЁЛАР ТОШҚИНИ

Томск вилоятининг Верхнекетск туманига қарашли Белий Яр ва Клюквенка аҳоли пунктларини бир-бири билан боғловчи автомобиль йўлининг деярли 10 километри сув тошқини сабаб ишдан чиқди. Гап шундаки, Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сибир ҳудудий маркази тарқатган хабарга кўра, қорнинг тез эриши оқибатида Белая, Кеть ва Чачамга сингари маҳаллий дарёлардаги сув ўзанига сиғмай, тошиб кетган. Натижада сув иккита катта кўприкни ва йўлларни бузиб юборган. 1,6 минг аҳолиси бўлган Клюквенка посёлкаси бошқа аҳоли пунктларидан узилиб қолди. Ҳозир авария-тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Ёқутистонда ҳам сув тошқини давом этмоқда. Саха Республикасининг (Ёқутистон) об-ҳавони кузатиш хизмати хабарларига кўра, Лена дарёсида музлар эриб, Вилюй дарёсининг қуйилиш жойида музлар тиқилиб қолган. Натижада Сангара посёлкасида сув сатҳи хавфли даражада кўтарилиб бормоқда. Ситтэ, Коккуй, Кальвица посёлкаларида эса бир қанча уйларни сув босди. Маълумотларда айтилишича, бундай ҳолат яна бир неча кун давом этади.

ИНТЕРПОЛ ҚИДИРМАЙДИ

Халқаро полиция агентлиги (Интерпол) вакиллари Японияга қочиб кетган Перунинг собиқ президенти Альберт Фухиморини қидирмайдиган бўлди. Негаки, Фухимори сиёсий таъқибдан ўзини муҳофаза этиш учун Японияга қочиб кетган, дея шарҳлади Интерпол қарорини Перу олий суди судьяси Хосе Луис.

Президент Алехандро Толедо ҳукумати эса юқори мартабали амалдорлар «доираси»да порахўрликни авж олдирганликда айбланаётган Фухиморини Перу ихтиёрига беришни Японияда талаб қилмоқда.

Финляндия кўчаларида

6 ЙИЛДАН СЎНГ

Халқаро Қизил Хоч жамияти 6 йиллик танаффусдан сўнг Грузияда яна ўз фаолиятини бошлашга қарор қилди. Мақсад: 20 минглик абхаз қочқинларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш.

Бу жамият 6 йил аввал Грузияда аҳвол меъёрга тушгани учун ўз вакилларини мамлкатдан чақириб олган эди. Бироқ ташкилот вакили Карл Фрутигернинг айтишича, 6 йил давомида Грузия аҳолиси янада қашшоқлашибди. Бундан ташқари мамлакатдаги аҳвол ҳақида халқаро жамиятлар етарли маълумотларга эга эмас.

«ЎЗГЎШТСУТСАНОАТ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

2002 йил 28 июнь соат 11.00 да уюшманинг маъмурий биноси мажлислар залида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Уюшманинг 2001 йил иш фаолияти ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Уюшма ташқи аудиторининг хулосаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Уюшманинг 2001 йил баланси ҳамда фойда ва зарарлар бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
5. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
6. Уюшманинг 2002 йил учун ташқи аудиторини сайлаш.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш 28 июнь куни соат 9.00 да бошланади.

Уюшма манзили: Тошкент шаҳар, Кох-Ота кўчаси, 75-уй.
Телефонлар: 41-31-42, 144-37-35. ***КУЗАТУВ КЕНГАШИ***

ОАО «ЛАЗЗАТ»

Сообщает о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 29 июня 2002 года в 12 часов по адресу: г. Гулистан, ул. Ахмедова, 3. Начало регистрации: 11 часов 30 мин.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение отчета бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков, 2-ЦБ за 2001 год.
2. Утверждение отчета ревизионной комиссии и заключение аудитора.
3. Утверждение решений Наблюдательного Совета за 2001 год.
4. Распределение прибыли общества за 2001 г.
5. Организационные вопросы.

Список акционеров, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров составлен по состоянию на 29 мая 2002 г. С материалами собрания акционеры могут ознакомится по адресу: г. Гулистан, ул. Ахмедова, 3.

Телефон: 27-26-03

Наблюдательный Совет ОАО «ЛАЗЗАТ»

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

КИТОБЛАРГА ОБУНА!

КИТОБ – ЭНГ СОДИҚ ДЎСТ

Замонавий раҳбарлар ўз жамоаси ходимлари, оила аъзолари маънавиятли ва маърифатли бўлишини, кутубхонаси тўлиб туришини истайди. Сизлар учун китобларга обуна хизмати йўлга қўйилди. Ҳозир «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик Компаниясининг барча жамиятларида, бўлим ва филиалларида, «Матбуот» дўконларида 2002 йилнинг иккинчи ярми учун газета-журналлар ва китобларга обуна давом этмоқда.
Китоблар обуна бўйича шу йилнинг тўртинчи чораги охиригача етказиб берилади.
Қуйида обуна учун ажратилган китоблар рўйхати билан танишинг.

Индекс	Китоб номи, муаллифи
20123	Чўлпон «Кеча ва кундуз» (роман)
20125	А. Қодирий «Ўткан кунлар» (роман)
20129	П. Қодиров «Она қочин видоси»
10126	Х. Шайхов «Туташ оламлар» (фантастика)
20142	Ҳ. С. Караматов «Мақоллар» (инглиз, рус, ўзбек тилларида)
20068	А. Зиё «Ўзбек аёллари тарих саҳнасида»
20131	А. Иброҳимов «Бизким, ўзбеклар»
20130	И. Шоғуломов «Шоҳдан тушган уста» (ҳикоялар)
20124	Х. Тўхтабоев «Сариқ девни миниб» (роман)
20127	О. Мухтор «Тўрт томон қибла» (роман)
20132	Тоғай Мурод «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» (роман)
20133	И. Сулаймонов «Мен журналистман» (публицистика)
20134	Саида Зуннунова «Танланган асарлар» (наср ва назм)
20135	Шукрулло «Тўкилган дардларим»
20136	«Боланинг луғат бойлиги»
20137	«Юртимиз тинчлиги энг катта бойлигимиздир»
20138	М. Қориев «Спитамен» Роман. 1 жилд
20139	М. Қориев «Ибн Сино» Роман. 2 жилд
20140	В. Моисеев «Сын джунглей Аму» (повесть)
20141	А. Шагулямов «Предокукение легенды» (публицистика)
20122	Ў. Усмонов «Гирдоб» (роман)
20128	«Афандининг йигирма тўрт қиёфаси»
20143	Ё. Абдуллаев «Иқтисодий таҳлил»
20144	Ё. Абдуллаев «Кичик бизнес»
20145	Й. Сулаймон «Осмонга сиғмаган муҳаббат»
20146	М. Шоқодирова «Тўқиш алифбоси»
20147	«Мўъжиза яратиш санъати»
20148	М. Муродов «Алпомишнома»
20149	Ғ. Шоумаров «1001 саволга психологнинг 1001 жавоби»
20035	Н. Жўраев «Агар огоҳ сен». (эссе)
20045	Х. Бобобеков, Т. Мухторов «Алифбо»
20118	Н. Шоабдураҳимов «Альбом живописи» (суратлар каталоги) (инглиз тилида)
20047	Г. Сатимов «Англо-русско-узб. юридический словарь»
20043	М. Калонхонов «Биз миллионермиз» (ҳажвий ҳикоялар)
20020	«Бир бор экан» (эртаклар), (лотин алифбосида)
20018	«Болакай» (эртаклар), (лотин алифбосида)
20025	Д. Абдураҳимова «Бургут пат»
20021	«Бўри нега терисидан ажралди» (эртаклар) (лотин алифбосида)
20150	Сирожиддин Саййид «Ватан абадий» (шеърлар)
20039	А. В. Тё «Вопросы правового регулирования рыночных отношений в Узбекистане»
20033	«Гўзаллар гўзали ёхуд аёллар макри» (араб эртаклари)
20037	М. Иброҳимова «Илмус сайёрасига ғаройиб сафар» (фантастика)
20044	Ғ. Сирожев «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар»
20042	Ҳ. Зиёев «Истиқлол маънавият негизи»
20049	М. Абдусаломов, Ф. Отахонов «Контрактация шартномалари»
20030	«Коран» (рус.яз.) Перевод И. Ю. Крачковского
20151	Ш. Отабеков «Машҳурлар ҳаётидан ҳангомалар»
20048	К. Қодиров «Меҳнатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари»
20038	Р. Қосимов, М. Содиқов «Мустақиллик – олий неъмат»
20117	М. Мирёқубов «Ортопедик стоматология»
20009	«Основы законодательства Республики Узбекистан»
20152	Х. Бобобеков «Паҳлавон Маҳмуд»
20153	А. Мўминов «Президент. Спорт. Ғалаба.»
20154	Ш. Ризаев «Саҳна маънавияти»
20034	А. Жўраев «Сенга кўнгил берсам»
20056	Н.Шулепина «Серный рикошет»
20155	М. Йўлдошев «Тақдир тароналари»
20156	А. Абдурасул ўғли «Қадимги Фарғона тарихидан»
20157	Абдуқаҳҳор Иброҳимов «Байрамдан кейин ҳам кун бор» (Йўлбошчи фаолиятига бағишланган)
20158	Н. Жўраев «Тафаккурдаги эврилиш»
20032	Ҳ. Зиёев «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар»
20052	Узбекистан и международные договора по правам человека
20022	«Уч оғайни ботирлар» (эртаклар) (лотин алифбосида)
20041	Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар
20120	Н. Жалил «Қуёшга тик қараб бўлмас»
20040	«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» (2001)
20010	«Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари»
20036	«Ўзбекистон тарихи» (жамоа)
20053	Б. Саломов «Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти»
20067	Ҳ. Зиёев «Ўзбекистонда мустақиллик учун курашлар тарихи»
20051	Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Новые законы Узбекистана №18 (1998 й.)
20059	Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Новые законы Узбекистана №20 (1999 й.)
20060	Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Новые законы Узбекистана №21 (1999 й.)
20061	Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Новые законы Узбекистана №22 (2000 й.)
20062	Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси. Учта жилдда (№1, №2, №3). 1998 йил.
20016	Б. Бойқобилов «Ўзбекнома» (тарихий фалсафа достони)
20031	Э. Воҳидов «Эркин Воҳидов» т. I
20050	Ж. Холмўминов «Экология ва қонун»
20159	О. Мухтор «Эртани севиниб кут»
20017	Б. Бойқобилов «Янги ҳамса»
20119	Плакатлар (Асосий Қонун сабоқлари. Туркум)
20161	«Эҳтирос чўриси» Қисса (Валерий Брюсов)
20162	«Наполеон қачон туғилган?» (Бутун дунёдан табассум. Латифалар)
20163	«Пашшадан ясалган филман» (Бутун дунёдан табассум. Латифалар)
20164	«Милениум, похмелиум» (Юмор народов мира)
20165	«Самое трудное для холостяка» (Юмор народов мира)
20160	Ёпиштириладиган суратлар (жаҳон эстрада юлдузлари ва жанговар спорт мавзуида)

Бу рўйхат яна тўлдириб борилади. Китоб ва газета-журналларга обуна расмийлаштириш чоғида пайдо бўлган муаммолар ва саволлар юзасидан компания ва унинг жамиятларига мурожаат қилинг. «Матбуот тарқатувчи» АК: Тошкент (371) 1337378, 1334324, 1337549. Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари: Нукус (361-22) 28868, Андижон (374-22) 22989, 54391, Бухоро (365-22) 54749, Жиззах (372-22) 41416, Қарши (375-22) 37230, Навоий (436-22) 55694, Наманган (369-22) 62013, Самарқанд (366-2) 340396, 342253, Термиз (376-22) 36607, Гулистон (367-22) 54770, Фарғона (373-22) 242922, 242229, Урганч (362-22) 66355, Тошкент шаҳри – 1360796, 348698, Тошкент вилояти - 1360195.
2002 йил иккинчи ярми учун китоблар ва вақтли нашрларга обуна бўлишга шошилинг.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2002 ЙИЛ 28 ИЮНЬ, 5 ИЮЛЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДОГА ҚУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:

Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчаси, 7-уйда жойлашган «Атмосфера» илмий-тадқиқот ва лойиҳа-технология институтига қарашли.
«УАЗ-3303», 1990 йилда и/ч, д-р 10 АС 364,
бошланғич нархи — 474 851 сўм.
«ИЖ-27151-011», 1990 йилда и/ч, д-р 1979 ТНБ,
бошланғич нархи — 416 745 сўм.
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Академик Я. Ғуломов кўчаси, 66-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «QONUN HIMOYASIDA» бирлашган таҳририятига қарашли
«ВАЗ-2106», 1995 йилда и/ч, д-р 0555 ТНС,
бошланғич нархи — 673 956 сўм.
Тошкент шаҳар, Талабалар шаҳарчасида жойлашган «Университет» нашриётига қарашли
«ЗАЗ-968», 1993 йилда и/ч, д-р 10 АА 517,
бошланғич нархи — 100 000 сўм.
«ЗАЗ-968», 1993 йилда и/ч, д-р 10 АА 516,
бошланғич нархи — 120 000 сўм.
Савдолар соат 10.00 да бошланади.
Аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.
Савдода қатнашиш учун автотранспорт воситаси бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўланади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

ОАО «ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН»

Наблюдательный совет и правление ОАО «Темирйўлтаъмин»

Сообщает, что годовое общее собрание акционеров состоится 28 июня 2002 года в 11.00 по адресу: г. Ташкент, м-в Сергели-4, ул. Проектная Г-24. Дата закрытия реестра акционеров 28 мая 2002 г.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Доклад председателя правления ОАО «Темирйўлтаъмин» о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества по итогам 2001 года и основных направлениях общества на 2002 год.
2. Утверждение годового отчета и бухгалтерского баланса.
3. Утверждение заключения аудиторской проверки. Утверждение аудитора на 2002 г.
4. Отчет ревизионной комиссии.
5. Распределение прибыли и утверждение размера дивидендов за 2001 год.
6. Утверждение членов правления общества.

БАЛАНС ОАО «ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН» ЗА 2001 ГОД

№	Актив	тыс. сум	Пассив	тыс. сум
1	Остаточная стоимость основных средств	30397	Уставный фонд	128519
2	Акции банка	10	Резервный капитал	108247
3	Производственные запасы	285908	Нераспределенная прибыль	76821
4	Расходы будущих периодов	1369	Целевые поступления	19769
5	Денежные средства	26939		—
6	Дебиторы	545871	кредиторы	557138
7	БАЛАНС	890494	БАЛАНС	890494

Чистая прибыль оставшаяся в распоряжении ОАО «Темирйўлтаъмин» за 2001 год. 19853 тыс. сум.

Достоверность баланса подтверждена аудиторской фирмой «Бухгалтер». Лицензия МФРУз. № 35 от 26.04.2001 год.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ҚЎШИҚЛАР

БОЙСУНДА «БОЙСУН БАҲОРИ» ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

ҚАДРИЯТ

Аввал хабар қилганимиздек: Сурхон воҳасининг пурвиқор тоғлар-ю, яшил арчазорларга бурканган жаннатмакон гўшаси — Бойсунда катта санъат байрами бўлиб ўтди.

Анжуманда қатнашган кўплаб меҳмонлар, халқаро ташкилот вакиллари яна бир бор халқимизнинг миллий санъатимизга, шарқона қадриятларимизга нечоғлик меҳр-муҳаббатлари юқори эканликларига гувоҳ бўлдилар.

Тантаналарни Сурхондарё вилоят ҳокими Т. Қодиров очди. Республика Бош вазирининг ўринбосари, фестиваль ташкилий қўмитаси раиси Ҳамидулло Кароматов Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимиз Президентининг бундай эътибори ва ёруғ тилаклари тантана қатнашчилари руҳини яна бир бор баланд кўтарди. Ўйингоҳ олқишларга кўмилди.

«Ўнлаб хорижий мамлакатларнинг вакиллари иштирок этаётган ушбу санъат анжуманининг дунё цивилизацияси бешикларидан бири, кўҳна қадриятлар макони бўлмиш — Сурхон воҳасида, қадимий Бойсун тупроғида ўтаётгани бежиз эмас», дея эътироф этилди Президентимиз йўллаган табригида.

Дарҳақиқат, халқ руҳининг кўзгуси бўлган фольклор санъати миллати, ирқи, динидан қатъи назар ҳар бир одамни бефарқ қолдирмайди, ўзига қаратади, мафтун этади. Шу ўринда фестиваль ўзбекистонлик ва хорижий мамлакатлар иштирокчиларининг фольклор мусиқаси, қўшиқ ва рақсларини намойиш этувчи ажойиб кўрик вазифасини ўтади.

Ўзаро фикр алмашиш, энг ноёб, энг сара халқ оғзаки ижоди дурдоналари билан танишиш, уларни тарғиб-ташвиқ қилиш, асраб-авайлаш, ўрганиш фестивалнинг асосий вазифаси эди, десак янглишмаймиз.

Фестиваль очилиш тантаналарида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, японялик профессор Хошимо Хиросум, Париждаги энг обрўли, энг катта санъат ўчоқларидан бири — Инсоният музейи бошлиғи Ивано де Саик, Сеулдаги мусиқа ва комедия театри раҳбари Киясон Охсанг сўзга чиқдилар.

— Ўзбекистон Президентининг умуминсоний қадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилишдаги хизматлари бениҳоя каттадир ва бунга халқаро ЮНЕСКО ташкилоти бир неча йиллардан буён гувоҳ бўлиб келмоқда, — дейди халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Майкл Барри Лейн.

...Ўзбекистон мадҳияси янграгач, Фестиваль байроғи баланд кўтарилди. Бир зумда ўйингоҳни дўмбира-ю, чанқовузларнинг жозибали овози тутди. Минг йиллар давомида халқ ўз қалбида, хотирасида сақлаб келган куй ва қўшиқлар ўйингоҳ узра таралди.

Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Сайёра Қозиева, Маҳмуд Номозовларнинг чиқишлари эса байрамга янада ўзгача файз ва кўрк бахш айлади. Осиё ва Европа давлатлари дизайнерлари намойиш этган миллий ҳамда замонавий либослар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Фестиваль дастури тўрт йўналишдан иборат бўлиб, булар фольклор ансабллари танлови, анъанавий чолғу ансамбллари, халқ достонлари ижрочилиги ҳамда замонавий либослар дизайнерлари танловлари эди. Бу танловлар махсус жиҳозланган, барча шарт-шароитларга эга жойларда ўтказилди.

Уч кун давомида қизғин, ҳаяжонли руҳда бўлиб ўтган халқаро фольклор фестивали якунланди. Фестивалнинг фольклор йўналиши бўйича олий совринни бир пайтлар «Шалола» — фольклор-этнографик ансамбли сифатида довруқ таратган, кейинчалик «Бойсун» — фольклор-этнографик халқ ансамбли-га айлантирилган бадиий жамоага муносиб кўрилди.

Бундан ташқари, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тожикистон республикасидан ташриф буюрган фольклор-этнографик халқ ансамбллари жамоаларига ҳам фестивалнинг махсус дипломи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Бахшичилик санъати бўйича иштирок этган Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм ва Қирғизистондан қатнашган халқ бахшиларининг салоҳияти, ўрни бир хил — аълога баҳоланди. Уларга фестиваль ёрлиқлари, махсус мукофотлари берилди, фестивалнинг миллий либослар дизайнчилари танловида бош соврин тошкентлик қўли гул ҳунарманд, тикувчиларга насиб этди.

Анъанавий чолғу ансамбллари йўналиши бўйича эса японялик созандалар олий ўринга муносиб топилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Бойсун баҳори» Халқаро фольклор фестивали учун сценарий муаллифи Холиқ Хурсандовнинг ўзига хос услуби кўпчиликка маъқул бўлди.

Хуллас, Бойсун деган тоғли бир масканда бўлиб ўтган биринчи халқаро фольклор фестивали кутилганидан ҳам яхши, қизиқарли ўтди ва ушбу анжуман анъанавий тарзда давом эттириладиган бўлди.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

26 МАЙ КУНИ БУХОРОДАГИ ЯНГИ «БУХОРО» ЎЙИНГОҲИДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИККИНЧИ АНЪАНАВИЙ УНИВЕРСИАДАСИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Шарқнинг гавҳари бўлган Бухоро бу кун ўзгача безанди. Ёшликнинг ғайрат-шижоати-ю шиддати, гўзаллиги ҳамда чиройи борликда намоён. Йигирма беш асрлик кўҳна шаҳар кўчаларида Ватанимизнинг кўз нури, дилбандлари саф-саф. Улар чеҳрасида ҳайрат ва ҳаяжон. Диллари да Ватанга бўлган муҳаббатнинг чексиз туйғуси...

...Офтоб Минораи Калон пойига оҳиста бош қўйди. Шаҳар кўчалари турли хил чироқлар оғушида ял-ял товланади. Қадимий гўшанинг нақд кафтида қайта қурилган «Бухоро» спорт мажмуасига келувчиларнинг охири кўринмайди. Мана, ниҳоят 25 минг ўринли маҳобатли ўйингоҳ одамларга лиқ тўлди. Стадион узра «Универсиада — 2002» тантаналари бошланишидан дарак берувчи мусиқа оҳанглари янграганда майин ёғаётган ёмғир ҳам тинди. Булутлар орасидан эса тўлин ой жамолини кўрсатди. Ҳа, ҳатто табиат ҳам келажак боғидан чечаклар терган она-Ўзбекистон асл фарзандларини алқади, сийлади.

Ўйингоҳга бирин-кетин анжуман иштирокчилари кириб келади. Ҳар бир вилоят вакиллари билан бирга бу ерга уларнинг жўшқин ҳаёти, фаолияти, санъати кириб келгандек гўё. Бир зумда муҳташам яшил майдон ёш спортчиларга тўлди.

Анжуманни Бухоро вилояти ҳокими, Олий Мажлис депутати С.Ҳусенов очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада — 2002» мусобақалари қатнашчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди. Стадионда олқишлар узоқ давом этди.

Универсиада очилиш тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

Ўйингоҳ узра Давлат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳамда республика олий таълим муассасалари талабаларининг иккинчи анъанавий Универсиадаси байроғи кўтарилди.

Шундан сўнг, бадиий гимнастика бўйича мамлакат чемпиони Ойдин Файзиева ҳамда кураш ва самбо бўйича Осиё, жаҳон чемпиони Шуҳрат Хўжаевлар «Универсиада — 2002» машъаласини ёқдилар. Тошкент вилоятида жойлашган «Физика — Қуёш» илмий ишлаб чиқариш маркази қурилмалари ёрдамида офтобдан ўт олдирилган бу машъалани 25 нафар йигит-қиз мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб Бухорога қўлма-қўл олиб келишганди.

Барча мусобақа иштирокчилари тантанали қасамёд қабул қилдилар. Заррин нурлар таралаётган юзлаб чироқлар остида анжуман иштирокчиларининг кўргазмали чиқишлари бошланди. Шундан кейин таниқли бадийий жамоалар, ўзбек эстрадасининг ёш юлдузлари иштирокида театрлаштирилган томошалар бошланди.

Шундай қилиб, донишманд шаҳарда мамлакатимизнинг энг кучли талаба-спортчилари учрашди. Умидли ёшлар бирлашди. Бир неча кун давомида улар ўз маҳоратларини намойиш этишади. Бу кунлар қалбларни қувончга, фахр-ифтихорга тўлдиради.

Кеча эрталабдан спорт майдонларида мусобақалар бошланди. Ҳеч шубҳа йўққи, бугун «Универсиада — 2002» баҳсларида қатнашаётган ёшларимиз орасидан эртага биз ифтихор қиладиган чемпионлар етишиб чиқади.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

Суратда: совринли ўринларга даъвогарлардан бири Тошкент давлат аграр университетининг теннис бўйича терма жамоаси.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР, ИЛК ЧЕМПИОНЛАР

Мусобақаларнинг биринчи куни спортнинг енгил атлетика, сузиш турлари бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

«Универсиада — 2002»нинг илк олтин медали Наманганда ўтказилган мусобақалар совриндори «Тошкент-1» жамоаси вакили, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси Олег Норматовга насиб қилди. Олег 110 метр масофани тўсиқлар оша югуриш бўйича барча рақибларини ортда қолдирди — 14.2. Кумуш, бронза медаллари билан Алексей Обжигайло (15.4, Андижон), Олег Хрипов (15.8, Жиззах)лар тақдирланишди.

Қизлар ўртасида 100 метрга тўсиқлар оша югуришда Наталья Филатова (14.8, «Тошкент-1»), Илмира Гарафутдинова (16.8, Жиззах), Барно Ботирова (18.9, Хоразм)лар энг юқори натижаларга эришди. Шунингдек, ядро улоқтириш, уч ҳатлаб сакраш, 100, 400, 1500 метр масофаларга югуриш баҳслари ҳам поёнига етди.

Сузишнинг эркин, брасс усуллари бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда Евгений Черпаев (100м. Тошкент вилояти), Светлана Викулова (50м. Бухоро, иккаласи ҳам брасс), Ирина Ермолаева (400м. Наманган), Тимур Эргашев (400м. Навоий, иккаласи ҳам эркин усул) олтин медалга муносиб топилдилар.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ТЕКИН «АТЛАС»ДАН ПУЛ ТОПАЁТГАНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ «ТАЪЛИМ САВДО» БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ БАҲОДИР ҲАМИДОВ ДИҚҚАТИГА!

Маълумки, 1998 йил 5 январда Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга асосан биринчи синфга бораётган ўғил-қизларимизга бепул дарслик, ўқув жиҳозлари бериладиган бўлди.

Афсуски, давлатимиз томонидан фарзандларимиз камоли учун қилинаётган бу савоб ишдан, ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланишга уринаётганлар учраб турибди. Тошкент вилоятининг Зангиота тумани солиқ инспекцияси ходимларини тумандаги улгуржи ва чакана савдо бозоридаги хусусий бир тадбиркорнинг фаолияти қизиқтириб қолади. Ўзича гўё маърифатга хизмат қилиш йўлини танлаган бу хусусий тадбиркор Йўлдош Шукуров эди. У 1998 йилдан буён асосан мактаб ўқувчиларининг дарсликларини сотиш билан шуғулланиб келади. Хўш, нима бўпти, дейсизми? Гап шундаки, бу тадбиркор давлат бюджети ҳисобидан чиқарилган, 1-синф ўқувчиларига текин берилиши лозим бўлган, савдо қилиш тақиқланган дарсликлар, мактабларга тарқатилиши шарт бўлган 1-4-синф журнали ва бошқа ўқув қуролларини сотиш билан шуғулланар экан.

Жиноий ишлар бўйича Зангиота туман суди ҳукмига кўра, тадбиркор Й.Шукуров Жиноят кодексининг 171-моддаси 3-қисми «А» банди билан айбдор деб топилди. Унга 172500 сўм миқдорида жарима солинди. Жиноий иш бўйича далилий ашё тариқасида олинган икки миллион сўмга яқин 18 хилдаги китоб ва дафтар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Яна бир масала, юқорида айтиб ўтилган қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда 213-Ф фармойиши қабул қилинади. Унга асосан «Ўзбекистон географик атласи» яратилди. Давлат бюджети маблағи ҳисобига 1999 йилда Москвадаги «Дрофа» — «Дик» нашриётида 40 минг нусхадаги 40 млн. сўмлик, кейинги йили эса 60 минг нусхадаги 60 млн. сўмлик «Атлас» чоп этилди. Бу ноёб қўлланма барча умумтаълим мактаблари кутубхонлари заҳирасига киритилиши лозим эди. Биз суриштириб кўрган кўп жойларда бу борада аниқ ишлар амалга оширилётгани маълум бўлди.

Лекин ушбу масалани жиддий ўрганиб кўриш зарурга ўхшайди. Сабаби, мактабларга тарқатилиши лозим бўлган, Давлат бюджети ҳисобидан 100 млн. сўм сарфланиб нашр этилган минглаб нусхадаги «Атлас»нинг бир қисми, қонунга зид ҳолатда хусусий тадбиркорлар қўлига ўтиб кетиш ҳоллари учрамоқда. Асл баҳоси 1000 сўм бўлган «Атлас»ни тадбиркорлар 1200-1300 сўмга пуллаётган ҳолатларга дуч келинмоқда. Табиий савол туғилади: **қандай қилиб, кимнинг лоқайдлиги ёки «ташаббуси» билан бу «Атлас» тадбиркорлар қўлига ўтиб кетмоқда?**

«Атлас»ни сотиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорлар Муборак Абдуллаева ва Муҳаррам Саидовалар тушунтириш хатидан:

— «Ўзбекистон географик атласи»ни ўтган йили сентябрь ойида «Солнечный» улгуржи моллар бозорида савдо қилувчи Нодира Расулова бизга келтириб берган. Лекин шу кунга қадар уни ҳеч ким сотиб олгани йўқ. Бошқа ҳеч нима билмаймиз.

Қизиқ ҳолат. «Ўзбекистон географик атласи» неча нусхада чоп этилган бўлса, ҳаммаси ҳужжат асосида Халқ таълими вазирлигининг ихтиёрига тўла ҳолда етказиб берилган. Савдога чиқариш тақиқланганини «Таълим савдо»нинг оддий омборчисидан тортиб, вазиргача жуда яхши билишади. Лекин бу «Атлас»ларнинг талон-торож қилинаётгани, бозорларга сотувга чиқиб кетганини қандай изоҳлаш мумкин?

— Тошкентдаги «Буюк ипак йўли», метроси, Чилонзор савдо маркази, Марказий универсал дўкони атрофидаги хусусий тадбиркорлар ҳақиқатан ҳам «Ўзбекистон географик атласи»ни сотишаётганликларининг гувоҳи бўлдик, дейди «Ўздавкитобсавдотаъминот» очиқ акциядорлик уюшмаси бош директори ўринбосари С.Каримов. — Бизнинг савдо тармоқларимизга бирорта «Атлас» келмаган ва сотилмаган. Аммо, сўраганимизда тадбиркорлар бу қўлланмани «Солнечный» улгуржи моллар бозоридан олишганини, уларга кимлардир олиб келиб сотганлигини айтишди. «Атлас»лар қандай йўллар билан кимлар орқали очиқ савдога чиқиб кетганига ҳайронмиз.

Биз бу мақолани ёзишдан олдин анча ўйлаб кўрдик. Эҳтимол фақат Тошкент шаҳрида кимнингдир айби билан бир неча дона «Атлас» бозорга чиқиб кетган бўлиши мумкин. Шуни муаммо қилиб ёзиш шартмикан? Аммо «Атлас»лар вилоятлардаги китоб бозорларида ҳам сотилаётгани ҳақида маълумотлар олдик. Наманган вилоятидаги аҳволни ўрганган журналист **Маҳмуджон Парпиев** тўплаган маълумотномадан:

«Ўзбекистон географик атласи» Наманган вилояти мактабларига ҳам етарли даражада тарқатилмаган. Чортоқ туманидаги 53-, 40-, 43-мактабларда бу қўлланма миқдори ҳар 500-700 ўқувчига 20-28 донани ташкил этади, холос.

43-мактаб кутубхоначиси Нигора Мирзаалиева кўрсатган ҳужжатларда шу дарсликдан 2000 йилда 23 та, 2001 йилда 5 дона берилган. Лекин унга талаб мактаб ўқувчиларида жуда катта. Чунки жонажон Ватанимизнинг бетакрор жўғрофиясини билишга, ўрганишга қизиқиш юқори.

Наманган шаҳридаги 31-ўрта мактаб нуфузли билим даргоҳларидан бири. Яқин 500 ўқувчи география фанидан таҳсил олади. Мактаб кутубхоначиси Раъно хон Мирзаалиева шу йил февраль ойидаги тақсимотдан мактабга фақат 12 дона текканини айтади. У ҳам ҳали ўқувчилар қўлига етиб бормаган. География фани муаллимаси Раҳимахон Отахонова ўқувчиларнинг саноқлисида ушбу қўлланма борлигини айтиб қолди. Улар билан қизиқдик. Маълум бўлишича, 8-синф ўқувчиларидан Бахтиёр Охунбобоевга отаси шу ўқув йили бошида Наманган шаҳар бозоридан, Тоҳир Қодировга акаси Тошкентдан сотиб олиб беришган.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Наманган шаҳридаги китоб дўконлари ва бозорлардаги китобфурушлик расталарини айландик. Вилоят «Китоб савдоси» ҳиссадорлик жамиятига қарашли, шаҳардаги У. Носир кўчасида жойлашган «Китоблар уйи»да «Атлас» бор экан. Нархи ҳам арзон. Атиги 850 сўм. Сотувчи Мавлудахон Мухторова атиги 3 та қолганини, керак бўлса яна топиб бериши мумкинлигини айтади.

Сардоба бозоридаги китобфурушлар эса «Олдинроқ бўлганда қанча керак бўлса, шунча топиб берардик», дейишди. Ўзини Орифхон Мирзаахмедов, деб таништирган сотувчи йигит «Озгинадан кейин учранг, топиб қўяман» деди. Шунқор ваўдасининг устидан чиқди ҳам. Сал вақтдан кейин учрасак, қўлланмани топиб қўйибди.

— Омборимизда тугаб қолган эканда. Яна суриштираман. Эртага хабар оласизлар, — деди у кўзлари ўйнаб.

— Нақд пулга ололмаймиз. Пул ўтказиш йўли билан кўпроқ харид қилишимиз мумкинми? — гапни айлантирамиз атайлаб.

— Йўқ, — дейди у қатъий. — «Катта» нақдга сотишимизни айтган.

Биз қанча уринмайлик, у «катта»ни ҳам, қўлланмани қаердан олиши мумкинлигини ҳам айтмади. Ноилож «отанг яхши-онанг яхши» қилиб 3 дона қўлланманинг биттасини 1300 сўмга зўрға сотиб олдик.

Мавзуни ўрганиш жараёнида баъзи таклифлар ҳам туғилди. Биринчидан, бепул, мактабларнинг кутубхоналари жамғармаларига мўлжалланган бу каби қўлланмаларни чўзиб ўтирмай қаттиқ назорат остида бир йўла тарқатиш маъқулмасмикан? Иккинчи таклиф шуки, бундай қўлланмаларга қатъий равишда «Бепул» ёки «Текин» деган белгини қўйиш керак эмасмикан?

Хўш, бу «Атлас» қайси йўлдан, ким орқали бозорга етказиб бериляпти? Давлат бюджети ҳисобидан 100 миллионлаб сўм сарф этилиб чоп этилаётган дарсликлар, қўлланмалар кимларнингдир «ташаббуси» билан хусусий тадбиркорлар қўлига ўтиб кетаётганига томошабин бўлиб тураверамизми?

Бизнингча, бу масалага ойдинлик киритиб, айбдорларга нисбатан аниқ чора кўриш талаб этилади. Акс ҳолда, бундай ҳолатлар яна такрорланавериши мумкин.

■ **Қурбон ЭШМАТОВ, Илҳом КАРОМОВ**

«Ўзавтодарётранс» агентлиги томонидан «Зиёвуддин» нефть базасига 2000 йил 17 январда берилган АТ 0202948 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, ёзувчи

Ҳожиакбар ШАЙХОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи муовини, таниқли фантаст ёзувчи, ношир ва журналист

Ҳожиакбар ШАЙХОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 471

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA